



Аллоҳ таоло айтади:

«**Қ**им қасдан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. У Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир» (Нисо: 93).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қиёмат куни одамлар ўртасида энг биринчи ажрим қилинадиган нарса қонлар хусусидадир» (Муттафакун алайҳ).

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Еттита ҳалок қилувчи



(гуноҳлар)дан сакланинглар!» «Ё Расулуллоҳ, улар қайсилар?», деб сўрадилар. «Аллоҳга ширк келтириш, сеҳргарлик, ноҳақ одам ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, жанг пайтида чекиниш, покиза ва фаҳшдан бехабар мўмина аёлларни бузуқлик билан туҳматлаш», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мўмин киши ҳаром (яъни ноҳақ) қон тўкмас экан, динида давомий кенгликда бўлади» (Имом Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Дунёнинг заволга юз тутиши Аллоҳ наздида битта мусулмон кишини қатл қилишдан кўра енгилроқдир» (Насоий ва Термизий ривоятлари).

Шарҳ:

Мусулмон кишининг қони ва жонининг Аллоҳ наздида катта хурмати бор. Шунинг учун бутун дунё заволга юз тутиши Аллоҳ наздида битта мусулмоннинг қатл қилинишидан енгилроқдир. Ким битта жонни



нобуд қилса, гўё бутун инсонларни ўлдиргандек бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ноҳақ одам ўлдиришни ҳалок қилувчи катта гуноҳлардан санадилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Мусулмон кишини ўлдириш ҳаром ва гуноҳи кабиралардан;
2. Аллоҳ наздида мусулмон кишининг ҳурмати баланд;
3. Қиёмат куни энг аввал одамлар ўртасида бўлган қонли низолар ажрим қилинади.